

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 760-ҳадис

760 - وَعَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَالِسًا مُفْعِيًا يَأْكُلُ تَمْرًا
رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2044].

«المُفْعِي» هُوَ الَّذِي يُلْصِقُ أَلْيِيهِ بِالْأَرْضِ، وَيَنْصَبُ سَاقِيَهُ.

760. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ўтирган ҳолда* хурмо еяётганларини кўрганман».

Имом Муслим ривояти.

* «Ўтирган ҳолда» деб таржима қилинган жумла матнда «муқъиан» деб келган бўлиб, кетини ерга қўйиб, болдирларини тик қилиб ўтиришни билдиради.

Шарҳ: Бизда икки тиззани қорин томонга тортиб ўтиришни чўнқайиб ўтириш, дейилади. Шу ўтиришда орқани ерга текказилса, арабларда «икъо» дейилади. Анас розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ана шундоқ ўтирган ҳолларида хурмо тановул қилаётганларини кўрган эканлар. Демак, бу ҳам жоиз.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

